

№ 2 - сонли пудрат шартномаси

Жиззах ш

2022 йил 22 феврал

Республика ихтисослаштирилган куз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали (офтальмология)
(корхонанинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О)

номидан Низом асосида фаолияти юритувчи Ахраров А.А. (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) бир томондан (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) “Шералимахсуссавдо” КТХФ номидан Низом асосида фаолият юритувчи Муминов А. мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Маҳсулот номи	Фойдаланиш кафолат муддати (йил, ой, кун)	Ўлчо в бирлиги	Сони	Қиймати	Сумма	НДС %	Суммаси
1	Аутсорсинг хизмати		ой	1	8750000	8750000	1141304	-

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 й. «20» феврал га қадар пудратчига зарурий лойиха-смета ҳужжатлари, техник харитлар таҳдим этиш мажбуриятини олади.

Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати: 2022 й. «01» январдан 2022 й. «31» январгача.

Пудратчи ишларни олдин бажариш ҳуқуқига эга (эга эмас).

1.1.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома қийматининг олдиндан 30 % туловни амалга оширади, қолган 70 % ни хизмат курсатгандан сунг 20 кун ичида амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нухсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг қолган маблақни буюртмачига узил-кесил, ҳисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин қонуний қучга эга бўлади ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сахлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат

шартномаларини тузгани тугрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 1 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 3 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига муносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 8 750 000 (Саккиз миллион етти юз эллик минг) сўмни ташкил қилади.

4.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварақига пул маблаҳларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20 % микдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Иқтисодий суд да

(Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган

кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустраслик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборди.

9. Яқуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова _____

Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Буюрмачи:
РИКМИАКТМ Жиззах филиали
(Офтальмология)

Ижрочи:
«Шерали махсусавдо» йташ

СТИР: 200342732

СТИР 205881502

ОКОНХ: 91511

ОКОНХ 7150

Юридик манзили: Жиззах шаҳар Маданият маҳалласи
А.Темур кучаси 60 уй

Юридик манзили: Ш.Рашидов. туман
Кулама кари

Телефон/факс: (72) 222-82-72 222-80-23

Телефон/факс 99 065 14 68

Хисоб-китоб хисобвараги:
100021860084017073201054006


Хисоб-китоб хисобвараги:
х/р: 20 208 000 404 554 615 001

Банки: Марказий банк
Узб. Респ. Молия в. Ягона газначилиги
МФО: 00014

Банки: банк Бани Жизза. ма
МФО 00676

Директор: Ахраров А.А.

Пудратчи: Шамил Мушмов. #
Бошлик:



Тарихи: 20.08.2020